Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обунанинг 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 12 декабрь, шанба № 245 (21.343).

ЎЗБЕКИСТОН-КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хонг Сун Ёнг 11 декабрь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди. (ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

ХОНГ СУН ЁНГ

1937 йил 30 январда туғилган. 1961 йили Сеул давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. 1958—1960 йиллари Армия сафида хизмат қилган. 1-даражали оддий аскар.

1962 йилдан дипломатия хизматида.

1962 йил майдан — Ташқи ишлар вазирлигига хизматга кирган.

1971 йил сентябрдан — Корея Республикасининг БМТдаги доимий ваколатхонаси биринчи котиби.

1980 йил мартдан — вазир, Корея Республикасининг БМТдаги ваколатхонасида муваққат вакил.

1981 йил сентябрдан — Ташқи ишлар вазирлигининг Африка бошқармаси бош директори.

1983 йил февралдан — Корея Республикаси Президенти ҳузурида сиёсий масалалар бўйича ёрдамчи.

1984 йил ноябрдан — Корея Республикасининг Покистондаги элчиси.

1987 йил февралдан — Ташқи ишлар вазирининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари.

1990 йил февралдан — Корея Республикасининг Малайзиядаги элчиси.

1992 йил февралдан — Корея Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси.

1992 йил августдан — Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги ўриндошлик бўйича фавқулодда ва мухтор элчиси.

Хизматлари учун «Қизил чизиқлар» нишони билан тақдирланган.

Оилали, икки ўғил ва икки қизи бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги. (ЎзА).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом **КАРИМОВ:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ТОШКЕНТ-1992

Ҳур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш—жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир.

Қабул қилинган Конституциямиз асосий Қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1990 ЙИЛ 7 МАЙДАГИ ФАРМОНИНИ АФҒОНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАР ҲУДУДИДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИДА ҚАТНАШГАН ФУҚАРОЛАРГА НИСБАТАН ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАҚИДА

Уй-жойларни хусусийлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида Афғонистон Республикасида ва бошқа давлатлар ҳудудида уруш ҳаракатларида қатнашган фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 7 майдаги фармонининг Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ҳозир улар яшаб турган давлатга ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни шахсий мулк қилиб беришга доир қисми 1979 йил декабридан 1990 йил февралигача бўлган даврда Афғонистон Республикасидаги уруш ҳаракатларида иштирок этган фуқароларга, шунингдек турли йилларда бошқа мамлакатлар ҳудудида уруш ҳаракатларида қатнашган собиқ ҳарбий хизматчиларга нисбатан жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафталик муддатда мазкур фармонни амалга оширишни таъминлайдиган қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 декабрь.

ЁШЛАРДАН УМИД КАТТА

Жойларда меҳнат жамоалари билан жонли суҳбатлар ўтказиш Халқ демократик партияси Самарқанд шаҳар кенгашининг кундалик ишига айланиб бормоқда. Шаҳардаги маҳаллалар ва «Сино» бирлашмасида бўлган юзма-юз мулоқот йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Бу гал кенгаш аъзолари ёшлар ҳузурига йўл олишди. Самарқандда фаолият кўрсатаётган 5 та олий, 12 та ўрта махсус ва ўндан ортиқ ҳунар ўқув юртларининг вакиллари молия техникумига тўпландилар. Учрашувни шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Рейим Юсупов очди.

— Партиямиз ёшларнинг шижоатига, куч-ғайратига ва юксак садоқатига таянади, — деди у. Шу боис фидойилик кўрсатаётган йигит-қизларнинг сафимизда бўлишини жуда истаймиз.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, шоира Бибисора Туробованинг эҳтиросли сўзлари ва шеърий сатрлари ҳам ёшларга эзгу туйғулар бахш этди. Шаҳар ветеранлар кенгаши раиси Тўйчи Розиқов ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатаётган талабаларга партия кенгашининг Фахрий ёрлиқларини топширди.

Фақат бугина эмас. Дастурхонга партия кенгаши томонидан ош тортилди, талабаларга эса баҳоли қудрат эсдалик совғалари улашилди. Партия раҳбарлари ёшларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Бадиий ҳаваскорлар даврага файз киритди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБЛАР*

ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Биз, маҳалла фаоллари XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида озод, мустақил Ватанимизнинг биринчи Конституцияси қабул қилинганлигини зўр қониқиш, мамнуният ва хурсандчилик билан кутиб олдик.

Дунё мутахассисларининг юксак баҳосига сазовор бўлган ушбу Конституцияда маҳаллалар ҳаётига молик бандининг ўрин олганлиги ҳам маҳаллаларимиз давлатимизнинг олтин фонди эканлиги, миллий ва маънавий қадриятларимиз, инсоннинг шаклланиб камол топиши, юртимизда тинчлик, биродарлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда катта куч, эканлигининг далолати деб билдик.

Сиз амалга ошираётган улуғвор ишлар, шу жумладан, республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг тузилганлиги, унга фахрий Президент қилиб сайланганлигингиз халқимиз ўртасида ғамхўр оқсоқол сифатида топаётган катта обрўйингиз деб ҳисобланмоқда.

Ҳамма учун осон бўлмаган ҳозирги шароитда республикамиз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, самарали меҳнат, тинч ҳаёт кечириш борасида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатингиз ва саъй-ҳаракатингизни бутун эл-юрт яхши билиб турибди.

Ватанимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеалар рўй бераётган бир вақтда, унинг олдида турган улкан вазифаларни амалга оширишда, биз, маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, Ватанимиз, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият ва жавобгарликни тўла ҳис қиламиз. Республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсатнинг ҳар бир оила, хонадонда қарор топишида, юрт тинчлиги, осойишталигини сақлашда, тикланаётган қадриятларимизни, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, аҳилликни мустаҳкамлашда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ меҳнат қилишга, ҳамиша камарбаста, мустаҳкам таянч бўлишга тайёр эканлигимизни яна бир бор таъкидлаймиз.

Биз барча юртдошларимизни Ўзбекистонимизнинг инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат сифатида таркиб топишининг асоси, ҳаётимиз Қомуси—биринчи тарихий Конституцияси билан самимий қутлаймиз. Ушбу оламшумул аҳамиятга молик ҳужжат Ўзбекистонимизнинг жаҳон меҳварида баобрў, қудратли, ривожланган давлат сифатида ўрин эгаллашига, халқимизнинг фаровон турмушига зурриётларимизнинг истиқболли, порлоқ келажагига хизмат қилишига ишонамиз.

Шукур ТЕМУРОВ,
Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси.

Кабир КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳар Юнусобод район маҳаллалар кенгаши раиси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби.

Абдулла УСМОНОВ,
Дўмбиробод маҳалла комитети раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

Маматжон ТУРҒУНОВ,
Наманган шаҳар «Ўзбекистон» маҳалла комитети раиси.

Асилжон БАДАЛОВ,
Марғилон шаҳар «Ейилма» маҳалла комитети раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ

Жамоа хўжалигимиз аъзолари Ўзбекистон Республикасининг ўн биринчи сессияси ишини зўр диққат-эътибор билан кузатиб бордилар. Мамлакат халқ депутатларининг бу анжумани ҳуқуқий давлат учун пухта пойдевор бўлди. Ўзлигини англаб етган, мустақиллик ҳуқуқларини қўлга киритган халқимизнинг ўй-режаларини тўласинча мужассамлаштирган чинакам демократик Конституция қабул қилинди. Биз, деҳқонлар юртимиз истиқлолини қадам-бадам мустаҳкамлаш ишига республика раҳбариятининг одилона сиёсатига қизғин қўшилган ҳолда фидокорлик кўрсатишга чоғланиб турибмиз. Шунга ишончим комилки, орадан неча-неча йиллар ўтгандан кейин ҳам мазкур сессияда қабул қилинган Конституция халқ фаровонлиги, бахт-саодати йўлида ишлайверади. Ана ўшанда асосий қонунга дахлдор бўлган замондошларимизнинг нурли сиймоси эзгулик рамзи сифатида ёдга олинади.

Хўш, 1992 йилнинг 8 декабридан амал қила бошлаган дастлабки Конституция ҳаётимизга сингиб кетиши учун нима қилишимиз керак? Барчамизнинг фикримиз бир жойдан чиқди: аҳиллик ва осойишталик шароитида унумли ҳамда баракали ишлашимиз зарур. Ана шунда мустақил ватанимиз қудрати янада ошади, Ўзбекистоннинг довруғи ҳар қачонгидан кенг таралади.

Қува районидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги аъзолари номидан:

Мусажон ШЕРБУТАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, Фарғона вилоят деҳқонлар уюшмасининг раиси.

● *Бир калима сўзим бор*

ШУКРОНА АЙТАЙЛИК

Мен камтарона хизмат билан машғулман. Қариб ўн беш йилдан бери хонадонма-хонадон, эшикма-эшик хат ташийман. Уч юз хонадон менинг ташрифимга мунтазир. Улар мактуб кутишади, газета-журналларни сўрашади, нафақа пулларига кўз тутишади. Узоқ йиллик кузатишларимдан кейин баъзи мулоҳазаларга бораман. Айтайлик, илгари 20 сўмлик нафақа билан қаноатланиб юрган кексаларимиз бугунги кунда 2 минг сўм учун нимзо чекишмоқда. Бундан ортиқ ғамхўрлик бўладими?! Аввало баракасини берсин. Уёғини сўрасангиз, ўзим бор-йўғи 96 сўмлик ойлик билан тирикчилик қилардим. Мана яқиндан бошлаб 3 минг сўмдан маош олиняпман. Қўшимча 270 сўм — овқат пули ҳам бор. Шунинг учун дейманки, сабр қилайлик, боринга шукр қилайлик. Ҳамкор-ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб юртдошимизнинг тутган йўлларини қўллаб-қувватлайлик. Шундагина яқин келажакда Ўзбекистон дунё орзу қиладиган давлатлардан бирига айланса, ажабмас.

Йўлдош РАҲИМОВ,
Амударё райони.

БИРИНЧИ КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ

11 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демоктарик партияси Марказий Кенгашида Тошкент шаҳар ва вилоят партия фаолларининг, шаҳар ҳокимияти вакилларининг семинар-кенгаши бўлди. Уни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон халқ депутати М. М. Расулов қисқача кириш сўзи билан очди.

Сўнгра Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Х. Саидов «Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси» мавзусида маъруза қилди.

Семинар-кенгашда партия ташкилотлари ва кенгашларининг жумҳурият Олий Кенгаши XI сессияси якунларини, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини, мамлакат Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқидаги асосий қоидаларни тарғиб қилиш ва тушунтиришга доир вазифалар ҳақида гап борди. Семинар-кенгаш қатнашчилари бундан буёнги асосий вазифа Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини амалда рўёбга чиқариш, унга ҳар бир фуқаронинг қатъий риоя қилишига эришишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот марказ

● *Китобча босмадан чиқди*

МАНГУ ҲАЁТ

Яқинда ўзбек халқи, республикамизда яшаётган барча эл-элат, Ўзбекистонимизнинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги, жаҳоннинг турли нуқталаридаги дўстлари атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини кенг нишонладилар. Шу муносабат билан Тошкентда, Жиззахда ва бошқа жойларда ўтказилган тантаналар ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда, ёрқин хотирамизда. Зеро, ўтганларни эслаш — халқимизнинг энг эзгу одатларидан бири. Бугунги замоннинг баҳосини билиш учун, аввалгидек, кечаги кунга—ўтмишга нисбатан қандай муносабатда эканимизга баҳо бериш керак. Ўтмишга нисбатан ношукурлик, нонкўрлик, беписандлик — халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид.

«Бугунги тантанани, — дея таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Шароф Рашидов туғилган кунинг 75 йиллигига бағишлаб 6 ноябрда Жиззахда ўтказилган тантанада, — сўнгги йилларда она Ватанимиз, жафокаш халқимизни мисли кўрилмаган туҳматлардан, иғво, маломат тошларидан бутунлай халос қилиш бўйича олиб борган машаққатли курашимизга бир нуқта қўйиш куни, десак хато бўлмайди. Минглаб асоссиз жабрланганлар, уларнинг оҳу фарёд чеккан ота-оналари, муштипар аёллари, фарзандлари, камситилган халқимиз ҳаққи-ҳурмати, рўй-рост айтайлик: бу кунни орзиқиб кутган эдик!

Бу кунни энг орзиқиб кутган, энг маҳтал бўлган—Шароф Рашидовнинг муқаддас руҳидир. Минг афсуским, ул муборак зот шу кунларга ета олмади. Ҳаммамизнинг ниятимиз — руҳи поклари шод бўлсин».

Ҳа, Шароф Рашидовнинг ҳаётини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Хўш, нима учун дунё бўйлаб Шароф Рашидовнинг номи ўзбек халқи мужассамлаштирган фазилатлар тимсоли сифатида қабул қилинади? Нега халқимиз уни давлат арбоби сифатида юксак эъзозлайди? Нима сабабдан ҳамма уни ёзувчи, шоир, инсон қалбининг зукко билимдони сифатида ардоқлайди? Ўзбекистон Президенти ўз нутқида ана шу саволларнинг ҳаммасини атрофлича ёритди.

Шароф Рашидовнинг, мустабидлик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган, ҳозирда номлари тикланаётган мўътабар инсонлар руҳларини шод қилишнинг энг тўғри йўли — И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Бизнинг энг муқаддас ва шарафли вазифамиз — истиқлолимиз қадрига етиб, уни ҳамжиҳатлик билан, бор кучимиз ва иймонимиз билан сақлаб қолиш. Уни мустаҳкамлаб, бойитиб келажак авлодларга етказишимиз шарт»лигидир.

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти республика Президенти И. А. Каримовнинг Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган нутқини «Халқимизнинг оташқалб фарзанди» номи билан алоҳида китобча холида нашр этди. Китобча кўп минг нусхада чоп қилинди.

• Қадриятларимиз

ҲАШАР УСУЛИ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Янгиқўрғон районида марказида муҳташам санъат саройини тиклаш, чор-атрофида ободончилик ишлари олиб бориш қизғин. Шунга ўхшаш маданият масканлари Нанай, Кўкёр, Заркент қишлоқларида ҳам қурилмоқда.

Бир йил ичида 70 километр масофага асфальт босилиб, йўллар кафтдек равон қилиб қўйилди. Уч қишлоқ газлаштирилди. Маҳаллий аёллар, ёш-ялангдардан қарийб минг киши болалар учун кийим-кечак тикадиган янги корхонада иш билан банд. Корхона қаршисида олти юз йигит-қиз таҳсил кўрадиган қишлоқ хўжалиги техникуми фойдаланишга топширилиш арафасида.

Марказдан сал юрсангиз, юз гектар майдон жадал текисланаётгани устидан чиқасиз. Бу ерда Шароф Рашидов номида боғ яратишга киришилди. Яна бироз юрсангиз, Қандиёнда очилаётган минг гектар ерни суғориш учун 36 километр масофага ётқизилаётган қувурлар-у, сув кўтариш станцияларини кўрасиз. Яна юринг, кўкракдор очиқ майдонда полиз иеъматлари-ю данакли мевалар, олма-ю, анорлардан шарбат оладиган замонавий корхонада сўнгги ишлар кетаётганини кўрасиз. Шарбатқайнар корхона бошдан-оёқ четдан келтирилган ускуналар билан жиҳозланмоқда. Корхона мутахассислари хорижда келган ҳамкасблари билан дастгоҳларни созлашга киришишди. Бир ёқда ускуналар синовдан ўтказиляпти...

Шу район ҳокими Турғунпўлат Қирғизовни гапга солдик.

— Қурилишларга катта маблағ зарур, маблағни қаердан топяпсиз?

— Кейинги бир-икки йил ичида район аҳолисининг руҳи тамомила ўзгарди. Истиқболга умид уйғонди. Уй-жой қуришга, томорқа хўжалиги билан эркин шуғулланишга ёппасига киришилди.

Бозор иқтисодига ўтишдаги умумий тангликка қарамай тузукроқ яшаш, маблағ ишлаб топишга ҳаракат қилиняпти. Кўпчилик — ҳақиқатан ҳам катта куч. Мактаб, техникум, маданият саройи бунёд этиш ташаббуси аввало фуқаролардан чиқди. Халқ ҳашарга шайланди. Лойиҳалар тайёрланди.

Хуллас, ишлар тезлашиб кетди. Қурилишларда ишлаётганлар шу ерлик ёшлар. Безак бераётган мусаввирлар ҳам ўзимизнинг қўли гул ҳамқишлоқлар. Худо хоҳласа, янги йилда шакар чиқарадиган корхона қуришга ҳам киришамиз. Бунинг учун алоҳида майдонларга қанд лавлаги экилади.

— Ҳар ҳолда каттагина маблағ керак-да, — яна саволга урғу бердим.

— Пулни ҳам ўзимиздан топдик, — деди ҳоким. — Хом ашё жўнатавермасдан, тайёр маҳсулот ҳам чиқара бошладик. Тикув корхонамиз чиқараётган кийим-кечаклар харидоргир. Мевалардан шарбату шароблар, консервалар тайёрлаб сотяпмиз. Чорва, жамоа ихтиёрида қолаётган пахта... ана шулардан катта фойда кўряпмиз. Фойда ҳисобидан қурилишларга ҳам маблағ ажратилмоқда. Лекин, яна айтаманки, халқ тетик, эртанги кунга ишончи катта. Халқ ҳашари усули ўз афзаллигини кўрсатяпти.

С. ИУЛДОШЕВ,
Наманган вилояти, Янгиқўрғон райони.

Задарё районидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги кейинги йилларда чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришда салмоқли натижаларга эришяпти. Жамоа аъзолари бу йил давлатга 660 тонна сут, 146 тонна гўшт, 121 минг дона тухум сотиб йилни яхши даромад билан якунламоқдалар.

Бу меҳнат зафарида жамоанинг илғор сут соғувчиларидан Одинахон Қурбонова ҳамда Дилфуза Худойқуловаларнинг муносиб улуши бор.

Қизларнинг ҳар бирига 21—23 тадан говмуш бириктириб қўйилган. Соғувчилар йилни ҳар бош сигирдан 3 минг килограммгача серқаймоқ сут соғиб олиш билан якунлашни ният қилишган.

Суратда: пешқадам сут соғувчилар О. Қурбонова (ўнгда) ва Д. Худойқулова.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РАДИОСИ 60 ЁШДА

● Юбилей арафасида Қорақалпоғистон Республикаси телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат компанияси жамоаси муносиб совға олди. Янги радио уйи фойдаланишга топширилди. У Венгрия, Японнядан келтирилган замонавий техника ва аппаратлар билан жиҳозланган. Бу ерда ижодий ходимларнинг меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Нукус шаҳридаги Бердах номли қорақалпоқ музика ва драма театрида Қорақалпоғистон Республикаси радиосининг 60 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш давлат компаниясининг раиси К. Ережепов маъруза қилди.

1964 йилнинг 5 ноябрида Қорақалпоғистон телевидениеси эфирга чиқди. Телевидениенинг ишга туширилиши Қорақалпоғистон Республикаси маданиятини янада ривожлантиришда муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. 1971 йилнинг 1 январига келиб Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари Ўзбекистон ва Москва телевидение программаларини томоша қиладиган бўлдилар. Айни шу кунларда Қорақалпоғистон меҳнаткашлари 7 та канал бўйича программаларни томоша қилмоқдалар.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республика Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков телевидение ва радиоэшиттириш давлат компанияси ходимларини юбилей муносабати билан табриклади. Ходимларнинг бир гуруҳига «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» унвони гувоҳномалари ҳамда Олий Кенгаш фахрий ёрлиқлари топширилди. Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг биринчи котиби А. Х. Асанов қатнашди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Тадбиркорлар бор бўлсин

ЧИҚИНДИДАН МАҲСУЛОТ

Хом ашё таъминотидаги қийинчиликларга қарамай, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўнглаб олаётган саноат корхоналари оз эмас. Ана шундайлардан бири Фарғона вилоятидаги Бешариқ ип йигирув-тўқув фабрикасидир.



Фабриканинг ишга туширилганига 10 йил тўлди. Бизнингча, ўтган йиллар—тўқимачилик фабрикасининг қад ростлаши учун етарли муддат. Бугунги кунга келиб фабрика республикадаги турдош корхоналар орасида истеъмолчиларга пешма-пеш сифатли маҳсулот етказиб бераётганлиги билан ажралиб туради. Ҳозир бу ерда 1500 дан зиёд ишчи хизматчи меҳнат қиляпти. Уларнинг 90 фоизини асосан хотин-қизлар ташкил этади.

Тўқимачилар йил охиригача жами 5 миллион 800 минг метрга етказиб маҳсулот тайёрлашмоқчи.

— Корхонамиз тайёрлаётган маҳсулотни Тошкент тўқимачилик комбинатига жўнатяпмиз, — деди биз билан суҳбатда фабрика директори Тўлқинжон Ҳайдаров. — Йигирув ишлаб чиқариш цехида тайёрланаётган ортиқча калава ипларни Ҳамдўстликдаги Белорусь ва Украина давлатларига сотяпмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иқтисодий мустақиллик жамоани алоҳида ғайрат, уюшқоқлик билан ишлашга ундаётир. Фабрикада маҳаллий ёшлардан етишиб чиққан иқтидорли кадрлар кўпчиликни ташкил этади. Улар хом ашёни титиш, саваш, тараш бўлинмаларидаги дастгоҳларни моҳирлик билан бошқаряпти. Тайёрлов цехига Каримжон Ҳасанов бошчилик қилади. Қўйсин Узоқов, Илҳомжон Каримовлар унинг ишончли шогирдларидан.

Биз Т. Ҳайдаровдан «фабрикада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш аҳволи ҳақида сўрадик:

— Республикамиз Президентининг 8 октябрдаги Фармонидан кейин тўқимачиларимиз иш ҳақи 1,8 фоизга кўпайтирилди, фабрика маъмурияти ҳар чорак якунида ишчиларга ҳар томонлама моддий ёрдам кўрсатиб келяпти. Бундан ташқари район ҳокимияти фармойишига биноан ишчилар қишлик учун сотиб олаётган кўмир ҳақининг 50 фоизини корхона ўз зиммасига олган. Ҳар бир ишчининг тушлик овқатига сарфланаётган 20 сўмини ҳам касаба уюшмаси қарори билан фабрика тўлаяпти.

Тўқувчиларни полиз маҳсулотлари, мева ва сабзавот билан таъминлаш мақсадида давлат ва жамоа хўжаликлари билан шартномамиз бор. Картошка, сабзи, пиёз арзон нархларда етказиб бериляпти.

— Ҳозирги кунда халқ истеъмоли молларига бўлган талаб ошмоқда. Тақчиллиқни бартараф этиш учун кўплаб саноат корхоналари ўз ички имкониятларидан фойдаланиб, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдалар.

— Фабрикада бу борада қандай янгилик бор?

— Халқ истеъмоли молларидан кийим пахтаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Уни тайёрлаш учун аввалари ташлаб юборилган саноат чиқиндиси — йигирув ишлаб чиқаришидан ҳосил бўладиган чанг ва гарддан хом ашё сифатида фойдаланяпмиз. Кийим пахтасининг 1 килограммини 9 сўмдан шу ерда ишлаётганларга сотяпмиз. Яна тўқувдак чиққан қийқимлардан чит рўмолчалар тайёрланяпти. Бу маҳсулотимизни ҳали савдога чиқарганимиз йўқ. Ишчи-хизматчиларнинг никоҳ тўйлари, маъракалари учун пулни хизмат тарқасида арзон нархда беряпмиз. Тошкент тўқимачилик комбинатидан қиммат бўлмаган нархда чит, сатин каби газлама, Қўқондаги пайпоқ йигирув бирлашмасидан иссиқ пайпоқлар келтириб сотдик. Бундан тўқувчиларимиз миннатдор.

Яқинда фабрикамизга Тожикистон Республикасидан мол айирбошлаш йўли билан 9 та тикув дастгоҳи келтирдик. Мақсадимиз — янги тикув цехи очиш. Ҳадемай 18 нафар қўли гул чеварларимиз қийқимлардан тўшак, болиш, қоп, ҳар хил ўлчамдаги салфеткалар тайёрлай бошлайди.

Қаердаки иш озгина бўлса ҳам олдинга силжиётган жамоада меҳнат қилаётган ишчи эртаги кунга умид ва ишонч билан қараётган экан, албатта бу ерда маънавий ва иқтисодий муҳит яхшиланаверади.

Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Суратда: ип-йигирув-тўқув фабрикаси директори Тўлқинжон Ҳайдаров.

Муаллиф олган сурат.

• ЁЗУВЧИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

ЎЗБЕК ЎЗИ БЕК БЎЛОЛМАЙДИМИ?

Қайта қуриш, ошкоралик бошланибдики, Москов матбуоти томонидан ўзбек халқи дастлаб коммунизм қуришга халақит бераётган унсур сифатида, қайта қуришга айлангач, ўзбек халқи коммунистик догма амалдорлари тарафдори, деб бўҳтон тошлари муттасил отилмоқда. Аввал чап юзимизга, кейин ўнг юзимизга мушт туширгач, энди қўлга илинарли нимаики бўлса, тортқилаб кўришмоқда.

«Столица» журналининг 1992 йил 9-сонида Владимир Ореховнинг «Мирзачўл — мансабдор тустовуқлар уяси» сарлавҳали мақоласи босилди.

Мақолада муаллиф 10 минг квадрат километрга яқин майдонни эгаллаган жойни ўзлаштириш учун илк бор ҳаракат бошлаган Туркистон генерал-губернатори Кауфман, пахта экишни кўпайтирган кеанс (князь) Николай Константинович Романов номларини ҳурмат билан тилга олиб, ҳатто уларга улуғ сифатини қўшишга ҳасислик қилмаса-да, Мирзачўлга отланган маҳаллий миллат вакилларига тубсиз охурга чопган, нишонга ўч, олий раҳбарият кўзига ташланиш учун мансаб илинжида чўлга келган кишилар сифатида таъриф беради.

«...Мирзачўл улкан «қора тешикка» айланганди. Мирзачўл учун 5 миллиард сўм маблағ сўрашган эди. Лекин 60 миллиард сўм маблағ сарф бўлди. Бу пуллар Иттифоқ бюджетидан кетди. Маҳаллий амалдорлар Марказдан оқиб келаётган булоқ тўхтаб қолмаслиги учун жон қуйдиришди», деб ёзади В. Орехов.

Юқоридаги жумлаларни ўқиб ўйлаб қоламиз. Миллиардлар Московдан оқдимикан ёки Мирзачўлдан Московгами? Ахир Мирзачўлда етиштирилган миллионлаб тонна пахтанинг ўз кийим-кечаги ва кафанлигидан ортган қисмини мўмай долларга сотишмадимикин?

В. Ореховнинг синчков нигоҳи 70 йил мобайнида Мирзачўлга ажратилган қадрсиз рубларга тушибди-ю, ўзбек «оқ олтин»и эвазига Московда қурилган осмонўпар иморатлар-у, яна пахтанинг пулига фазога учирилган гала-гала космик кемаларга тушмабди-да!

Яшанг-ей, жаноб Орехов, ўзингизнинг қаппайган чўнтагингизга қараманг, кунини учма-уч ўтказаётган деҳқонларга сотишмадимикин?

В. Ореховнинг синчков нигоҳи 70 йил мобайнида Мирзачўлга ажратилган қадрсиз рубларга тушибди-ю, ўзбек «оқ олтин»и эвазига Московда қурилган осмонўпар иморатлар-у, яна пахтанинг пулига фазога учирилган гала-гала космик кемаларга тушмабди-да!

Яшанг-ей, жаноб Орехов, ўзингизнинг қаппайган чўнтагингизга қараманг, кунини учма-уч ўтказаётган деҳқонларга ўхшатсак, Мирзачўл маҳаллий тустовуқлар уяси эмас, Московдаги қирғовуллар ининнинг филиали эди, холос.

Московдан даканхўроз деб юборилган жўжачалар қорни тўйиб, чўнтагини тўлгазиб, жиноят устида қўлга тушса ҳамки, келган жойига қанот чиқариб учиб кетардилар.

Ўзбек халқи бошига қанча кўргиликларни солган Анишчев, Клепиков, Гайдаренко, Дидоренко ва бошқалар турмага тушиш ўрнига Россияга учиб бориб, юмшоқ курсиларга ўтиришди!

Ўзбекларга қарши қатли ом (репрессия)ни уюштирган Гдлян деган зот ноҳақ қамалганлар оқланиб чиқса ҳам жавобгарликка тортилиш ўрнига ҳали депутат, ҳали демократ ниқобида одамларни «виждон»ли бўлишга чорлаб юрибди. Ўзбекистонликлар Гдлян қилган зулмдан дод солиб турган пайтда Арманистон президентлигига бу кимсанинг номзоди кўрсатилди.

В. Орехов эса, мабодо, четдан раҳбар келиб қолса, Мирзачўлдан пўкакдек учириб юборилади, дебди. Битта Гдляннинг ўзи минглаб ўзбек раҳбарларини чангдек учирмадими?

Муаллиф гўрида ҳам тинч ётишга беришмаган марҳум Шароф Рашидовга ҳам тош отишдан тоймаган. «Рашидов ҳар гал чўлга келганда, албатта, бирорта янги бино, мактаб, пионерлар уйи ёки бирор иншоотни очарди», деб «айб»ламоқ истайди у.

Ўзбекларнинг аждодлари ҳам қурувчи халқ бўлишган. Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз қадамлари етган жойга бирор минора ёки кўприк қурдирганлар. Ҳатто Гдлян ва унинг сафдошлари зўр бериб талашишаётган Қорабоғ ҳам буюк Темурдан мерос эканлиги тарихчиларга сир эмас-ку!

Ш. Рашидовнинг номига фабрика ва давлат хўжалиги қўйилди, деб писанда қилади В. Орехов. Ажабо, ўзбек халқини қирғинбарот қилган ёвуз саркардалар номига Туркистонда шаҳар, районлар қўйилган пайтда чорак аср жумҳуриятни бошқарган раҳбар номини абадийлаштиришнинг нимаси ёқмайди? Шу халқдан чиққанлигими?

В. Ореховнинг барча гапларини сафсата дейиш инсофдан эмас. Онда-сонда ҳақиқат аломатлари ҳам учрайди. Унинг: «Чўлдаги даромаднинг аксар қисми Москва кабинетларига пора сифатида берилган», деган гапида жон бор...

Шунингдек, чўлда болалар ўлими, сариқ касаллиги авж олганлиги ҳақидаги гаплар ҳам — бор гап. Лекин унинг асл сабабларига келганда ўртоқ Орехов лом-мим демайди. Ўша чўлларда кўп сафарда бўламан. Чўллар муаммосини ҳар қандай кароматчидан, шу жумладан Ореховдан ҳам яхшироқ биламан. Муаммолар бор, ундан кўз юммаймиз. Лекин Орехов «муаммо» қидирган кўринмайди, унинг мақсади — шаталоқ отиб лой сачратиш. Ўртоқ Орехов пуч ёнғоқдай шақир-шуқур гап сотгандан кўра ердаги ҳаёт билан яқинроқ танишса бўларди!

Бундан ташқари жумҳуриятимиздаги тинч-тотув ҳаёт кимларгадир ёқмаяпти. Атайин гиж-гижлаб, миллатлараро низолар келтириб чиқаришга уриниш бўлаяпти.

Ўзбекистонда раҳбарлик лавозимида ишлаётган ўнлаб, юзлаб ерлик бўлмаган миллат вакилларини наҳотки Орехов кўрмайди? Дунёда кўнгли кенг миллат иккита бўлса биттаси ўзбек эмасми! Шу билан бирга ҳар бир миллат ўзини ўзи бошқариши ҳам керак. Ҳатто ўзбекнинг жиноятчисини ҳам Арманистон эмас, Ўзбекистон суд қилиши керак!

Бирорта ўзбек: «Россия ёки Арманистонда нега ўзбек раҳбарлар йўқ!» деб ҳеч қачон айюҳаннос солмайди! Бу шикаста юртга хаританинг нариги чеккасидан раҳбарлар юборишни соғиниш ҳам инсофдан эмас-да. Бу қичқириқ тоқайгача? Кечаги кунни қачонгача қўмсайсиз?

Минг йиллик тарихларда не-не салтанатларни барпо этган халққа ҳурматсизлик қачон тугайди? Ёки ўзбек ўз юртига бек бўлолмайдими?

Ҳамроқул АСҚАР.

Шўрчи районидаги мебель фабрикасида 30 дан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган мебель буюмлари сифатлилиги ва замонавийлиги билан ажралиб туради. Шу боис, шўрчиликлар маҳсулотига талаб катта бўлмоқда.

Суратда: фабрикада ишлаб чиқарилган мебель маҳсулотлари намуналари.

И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ДУНЁ ОВОЗИ

ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТАРАҚҚИЁТ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

● Тинчлик ва ижтимоий тараққиёт йўлидаги маҳаллий ҳамкорлик мавзуига бағишланган семинар-машғулот Покистоннинг Равалинди шаҳрида ўтказилди.

Осиёнинг 10 мамлакатидан келган жамоат ва маданият арбоблари Осиё минтақаси тараққиётининг долзарб масалаларини муҳокама қилишди. Мустақил Ўзбекистон республикаси вакиллари ҳам йирик учрашувда фаол қатнашдилар.

Семинарда минтақадаги моддий имкониятлардан оқилона фойдаланиш масалаларига кенг эътибор берилди. Давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга доир тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Учрашув қатнашчилари миллатлараро ва бошқа тарздаги ҳарбий можароларни ҳозирги замоннинг мураккаб муаммоси деб аташди. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбариятининг Тожикистондаги можарони бартараф этиш йўлида қилаётган ижобий ишлари алоҳида уқтирилди.

ҲАМКОРЛИК РЕЖАСИ ТУЗИЛДИ

● Токио университети ҳузуридаги мусиқашунослик илмгоҳи директори профессор Цугэ Геничи бошлиқ мусиқашунослар яқинда Тошкентда меҳмон бўлишди.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон санъатшунослик илмий-тадқиқот илмгоҳидаги учрашувда Ўзбекистон ва Япония мутахассислари ҳамкорлик режасини тузишди. Ўрта Шарқ халқлари мусиқа маданиятини тадқиқ этишга кенг йўл очилаётганлиги учрашув қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Иккала мамлакат вакиллари ҳамкорликда асарлар ёзиб, уларни нашр этишни йўлга қўйишни ҳам мўлжаллашмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТИ

● Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян Туркия ҳукуматига мурожаат этди.

Президент оғир иқтисодий аҳвол юзага келганлиги муносабати билан унинг мамлакатига ёрдам беришни сўраган.

ШАРТНОМАНИ МАЪҚУЛЛАГАН ЕТТИНЧИ ДАВЛАТ

● Португалия парламенти Европа Ҳамжамияти мамлакатлари доирасида янги яҳлит сиёсий ва иқтисодий иттифоқликка йўл очувчи Маастрихт шартномасини тасдиқлади.

Мамлакат парламенти нойибларидан 200 нафари шартномани ёқлаб овоз берди. Атиги 21 нафар депутат унга қарши чиқди.

Шундай қилиб, Португалия иттифоқликка йўл очувчи шартномани маъқуллаган еттинчи давлат бўлиб қолди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ШАРОФ РАШИДОВГА БЮСТ ЎРНАТИЛДИ

● Касби районидаги 18-совхоз марказида атоқли давлат арбоби, таниқли адиб Шароф Рашидовга бюст ўрнатилди.

Маълумки, йил бошида мазкур давлат хўжалиги Шароф Рашидов номи билан аталганди. Бюстни маҳаллий ҳайкалтарош Ёркул Чориев ясаган. Унинг очилишига бағишланган маросимда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов қатнашди.

ЛИЦЕЙ ОЧИЛДИ

● Қарши шаҳридаги Н. Крупская номли 1-ўрта мактабда лицей очилди.

Унда ўқиш истагини билдирган 180 нафар ўғил-қиздан ариза тушди. Улар орасида 8-синф ҳажмида ўқийдиган аълочи ўқувчилардан 100 га яқини танлов асосида қабул қилинди.

Лицейда машғулотлар Қарши давлат университети олим ва педагоглари оталиғида ўтказиляпти. Мактаб программасидан ташқари алоҳида дастур тузилган. Улар жаҳон мамлакатлари тарихи, республика ва Қашқадарё тарихини ўрганадилар. Амалий машғулотлар махсус жиҳозланган хоналарда ўтказилаётир.

Ҳозирча лицейда тарих, инглиз тили, математика, физика фанлари бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Синфдан синфга кўчиш имтиҳонлари тест асосида амалга оширилади.

Мусо КАРОМОВ.

ПУЛЛИ МАКТАБ ИШ БОШЛАДИ

● Ҳа, Фарғона шаҳрида шундай мактаб иш бошлаган. Механика заводининг «Паровоз» болалар боғчаси базасида барпо этилган бу мактабда таълим олаётган ҳар бир бола учун ота-она ойига 200 сўмдан пул тўлайди.

Бироқ фарзандларини айнан шу мактабда ўқишларини истаган ота-оналар жуда кўп. Сабаби бу ердаги таълим-тарбия ишларининг аъло даражада ташкил этилганлигидир. Ўқувчилар бу ерда махсус дастур бўйича эрталабдан то қош қорайгунча бўладилар. Нонушта, тушлик, уй вазифаларини тайёрлаш ҳам шу ерда ўтади. Мактабда 10 дан ортиқ турли тўгарак ва секциялар ишлайди. Ўқувчиларнинг спорт, ашула ва рақс билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар мавжуд. Бу ердаги ёпиқ ҳовузда чўмилиш, турли мусобақалар уюштириш мумкин. Тиббиёт пункти ва ҳатто массаж хонаси ўқувчилар хизматида. Аълочиларга эса мукофот тариқасида стипендия бериб борилади.

Алишер ИБОДИНОВ.

ҲОКИМЛИК МАБЛАҒИДАН 100 МИНГ СЎМ АЖРАТИЛДИ

● Андижон шаҳар ҳокими Қизил Ярим Ой жамиятининг хайрия ўн кунлигини ўтказиш ҳақида фармойиш чиқарди ва шу жамиятнинг шаҳар ташкилотига ҳокимлик маблағидан 100 минг сўм пул ажратди.

Айни вақтда вилоят ҳокимияти ҳам майиб-мажруҳлар, ногиронлар, бева-бечоралар учун вилоят Қизил Ярим ой жамияти ҳисобига 100 минг сўм пул ўтказди. Мазкур жамият шу йилнинг ўзида ночор кишиларга 400 минг сўм ёрдам кўрсатди. 5 мингдан ортиқ оилага бадавлат, саховатли кишилар биркитиб қўйилган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими тасарруфидаги шифохоналар, вилоят савдо концерни, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси ходимлари бир кунлик иш ҳақларини мазкур жамият ҳисобига ўтказадиган бўлдилар. «Андижанбанк» — 50 минг сўм, вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари — 300 минг сўм, вилоят матлубот жамиятлари уюшмасининг раиси Салимжон Иминов ва унинг отаси Каримжон Хожи оиласи ўзларининг шахсий жамғармасидан жамият ҳисобига 10 минг сўм пул ўтказишга қарор қилди.

Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари хайрия ўн кунлигининг биринчи кунида ўзлари тайёрлаган 50 минг сўмлик кийим-кечакнинг ҳаммасини жамиятга тақдим этди. Бундан ташқари, бирлашма ходимлари 24 ногиронни ўз оталигига олиб, уларнинг ҳар бирига 5 минг сўмдан ёрдам кўрсатишга сўз бердилар.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

ИСЛОМ КАРИМОВ:

«ҚИШЛОҚ — МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗНИНГ МУҲИМ МАНБАИДИР. БУГУНГИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА ВА ИЖТИМОИЙ ТУРМУШДА, БИНОБАРИН, СИЁСАТИМИЗДА ҲАМ ҚИШЛОҚ СОҲАСИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ, РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛАДИГАН МУҲИМ ТАРМОҚДИР».

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясидаги нутқидан).

ЕРНИ КИМГА БЕРГАН МАЪҚУЛ?

ЕКИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

• *Мутахассислар мунозарага чорлайди*

Ўзбекистонни жаҳон таниб, биз билан манфаатли алоқалар ўрнатишни истаётган мамлакатлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Республиканинг ички ҳаётида ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг янги босқичига ўтяпти. Иқтисодиётнинг асоси бўлган мулк муносабатлари шаклланмоқда. Лекин эндигина тетапоя қилаётган ёш мамлакатимиз олдида ҳали улкан муаммолар турибди. Уларни ҳал қилиш фақат ўзимизга, халқимизнинг самарали меҳнатига боғлиқ.

Тўғри, ҳозир иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш жараёни бир қатор қийинчилик билан амалга ошириляпти. Бироқ кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий ислоҳот халқ хўжалигининг барча соҳаларида баб-баравар тез амалга оша қолмайди. Бинобарин, Ўзбекистон учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишларини аниқлаб олишимиз зарур.

Энг аввало республикамизда қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ қайта ишлаш тармоқларини устун даражада ривожлантиришга эътиборни кучайтириш лозим. Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш пировард натижада аҳоли эҳтиёжини қондиришга қаратилган бўлади. Халқ истеъмол қиладиган ноз-неъматларнинг тўртдан уч қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёрланишини назарда тутсак, мавзунинг қай даражада муҳимлиги аён бўлади.

Ўзбекистон учун аграр секторни ривожлантиришнинг яна бир муҳим хусусияти бор. Бу, қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги мавқеидан келиб чиқади. Бизда аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоиздан кўпроғи бугунги кунда қишлоқ хўжалигидан олинади. Қисқаси, аграр сектор республика ҳаётини таъминлашнинг асоси, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш учун, шунингдек, экспорт ресурслари ва валюта тушумларининг салмоқли манбаларидандир.

Шу боис, бугунги кунда қишлоққа юз қаратишимиз, унинг муаммоларини жадал ҳал қилишимиз, деҳқон тўқ бўлса, бутун мамлакат бадавлат бўлади, деган ақидага амал қилиб иш юритишимиз лозим. Аслида биз мавжуд бойлигимиз, серҳосил ерларимиз ва меҳнаткаш халқимиз билан бирга аллақачон бой-бадавлат яшаган бўлур эдик. Бироқ бир неча ўн йиллар давомида Ўзбекистон собиқ Иттифоқ «маркази»нинг кўрсатмалари асосида яшади.

Эндиликда аҳвол, оз бўлсада, ўзгарди. Ҳозир қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига дахлдор масалалар ичида энг асосий ва ҳал қилувчи — бу ерга эгалик ҳақидаги масала бўлиб қолди. Шу ўринда айтиш керак: Ўзбекистон деҳқончилигининг хусусияти шундайки, экин майдонларининг катта қисми суғориладиган ерлар, кейин аҳоли ҳам зич жойлашган. Ер ва сув бугуннинг ўзида етишмаяпти. Келажакда аҳоли кўпайса, бу муаммо янада кескинлашиши тайин.

Ҳозирги кунда ерга эгалик масаласида турли-туман фикрлар билдирилмоқда. Айрим кишилар ерга хусусий мулкчиликни ёқлаб чиқишса, яъни ерга хусусий мулк сифатида эгалик бўлгандагина ундан самарали фойдаланиш мумкин дейишса, бошқалар республикамизда ерга хусусий мулкчиликни ташкил этиш мазкур масалани ҳал қилолмайди, деб қарамоқдалар.

Бир қарашда ерга хусусий мулкчилик, яъни деҳқоннинг ерга хусусий мулк сифатида эгалик қилиши унинг ерга муносабатини ўзгартирадигандай кўринади. Аслида эса деҳқонни ернинг ўзи эмас, балки ундан олинадиган ҳосил кўпроқ қизиқтиради. Бундан ташқари, ерга хусусий мулкчилик, унга хос бўлган ҳамма муносабатларни, чунончи, эркин сотиш ва сотиб олиш, ижарага бериш, тақдим қилиш ва бошқа ҳуқуқий масалаларни ерга нисбатан қўллашни тақозо қилади.

Бу жараёнларнинг кучайиши натижасида ер унга ишлов берувчидан ажралиб қолиши ва бир ҳовуч одамлар қўлида тўпланиб қолиши мумкин. Оқибатда бу ҳол бир томондан йирик ер эгаларини, бошқа томондан эса, қишлоқ хўжалигида ёлланма ишчиларни вужудга келтириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ўз навбатида, ижтимоий тангликнинг кучайишига сабаб бўлади. Иккинчидан, бизнинг шароитимизда ерни сувсиз тасеввур этиш қийин. Зеро, сув билан таъминланмаган ер унчалик қадр-қимматга эга бўлмайди. Республикамизда эса йирик сув иншоотлари ва суғориш тизимлари яратилган бўлиб, ердан ҳосил олишни улардан ҳоли тасаввур этиб бўлмайди.

Ерни хусусийлаштириш ерни ундан фойдаланувчиларга сотишни тақозо этади. Аммо қишлоқ аҳли, айниқса, давлат хўжалиги ишчилари ва кўпчилик колхозчилар 74 йил мобайнида етиштирган маҳсулотларини сув текинга топшириб, ўзлари ниҳоят даражада қашшоқ бўлиб қолганлар. Шу боисдан уларнинг аксарият қисми ерни сотиб олиш имкониятига эга эмас.

Ердан унумли фойдаланиш, яъни ердан мўл ҳосил олиш учун унга катта маблағ сарф қилиш керак. Бор-йўғини ерни сотиб олишга сарфлаган деҳқон оиласининг эса ердан унумли фойдаланиш учун тегишли маблағ сарф қилишга имкони бўлмайди. Бу эса ўз навбатида деҳқонни катта маблағга эга бўлганларга қарам қилиб қўяди. Пировардида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши яна орқага сурилади. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда биз ерни деҳқонларга абадий, авлоддан-авлодга қолиш шарти билан бепул бериш керак, дея мулоҳаза билдираётган кишилар фикрига қўшиламиз.

Фикримизча, ҳар бир деҳқон оиласига ер маълум чегараларда ажратилиб, унга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат —акт давлат томонидан ҳамда мулк эгаси бўлган давлат билан ерга эгалик қилувчи деҳқон оилалари ўртасида юзага келадиган ер муаммолари суд орқали ҳал қилиниши белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ерлар деҳқон оилаларига шу тарзда бириктириб қўйилса, давлат ва жамоа хўжалиги раҳбарларининг ерни тақсимлашдаги ғирромликларига ўз-ўзидан барҳам бериларди. Очиғи, ҳозир ерни деҳқонларга бўлиб бериш масаласига қарши биронта одам бўлмаса-да, бироқ бу иш республикамизда жуда суст бормоқда. Бу нарса аввало совхоз-колхоз, шунингдек район раҳбарларининг масалага лоқайдлиги ёҳуд уларнинг бўзбан моҳиятни етарли тушунмаётганлигида эмас, балки бу жараённинг табиатан ўта мураккаблигидадир.

Зотан, ерни миллийлаштириш, уни умумлаштириб эгасиз қилиб қўйгандан кўра, умумхалқ мулки бўлган ернинг ҳар бир бўлагига унинг эгасини топиб бериш жуда қийин ва мураккаб жараён ҳисобланади. Бу мураккаблик аввало ернинг ўзида, унинг табиий хусусиятларида акс этган. Ҳозирги давлат ва жамоа хўжаликларининг ерлари табиий жиҳатдан турлича бўлиб, унумли ёки унумсиз бир хил ерларга экин экиб бўлмаса, бошқаси — яйлов. Ёхуд баъзи ерлар сув билан яхши таъминланган бўлса, бошқасининг сув таъминоти ёмон.

Бир қисм ерлар хўжалик юритиш учун қулай жойлашган бўлса, яъни таъминот, маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш жойларига яқин бўлса, бошқа ерлар бундай қулайликларга эга эмас. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси, шубҳасиз ердан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишга, қолаверса, ишлаб чиқариш самарадорлигига турлича таъсир қилади. Ерларни аҳолига тақсимлаб беришда бу хусусиятларни ҳисобга олмаслик оғир иҳтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ерни тақсимлаб беришдаги иккинчи масала — бу, ерни кимларга бериш кераклиги, яъни ер олиш ҳуқуқига эга бўлган одамлар таркибини аниқлаш масаласидир. Бунда нималарни мезон қилиб олиш лозимлиги катта аҳамиятга эга. Зотан, бу жараёнда, энг аввало — ерни ҳамма катта-кичик қишлоқ аҳолисига тақсимлаш керакми ёки меҳнатга қобилиятли шахсларгами, ё фақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашаётган оила аъзоларигами, ёҳуд қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашаётган барча кишиларгами, деган саволларга жавоб топиш лозим. Кейин уларнинг ёши, иш давомийлиги, йиллик ўртача даромадлари инобатга олиниши керакми-йўқми, деган масалани ҳам ҳал қилиш муҳим. Чунки бу саволларга аниқ ва тўғри жавоб бермасдан туриб ер масаласини адолатли ҳал қилиб бўлмайди.

Бироқ ер муносабатлари ҳақида бошқача фикрлаётганлар ҳам оз эмас. Ерни деҳқонларга бепул тақсимлаб бериш мураккаб муаммо бўлганлиги ва уни ҳал қилиш юқорида кўрсатилган табиий қийинчиликларга дуч келишини ҳисобга олиб, дейлик айрим олимлар, хўжалик раҳбарлари ерни деҳқонларга хусусий мулк сифатида сотиш кераклигини асослашга ҳаракат қилмоқдалар. Тўғри, ер ундан фойдаланувчиларга сотиладиган бўлса, у пулда ифодаланиб, ер баҳосида унинг турли табиий хусусиятлари — жойланиши ҳамда сув билан таъминланиш даражаси ҳисобга олинади. Бунда унумли, сув билан яхши таъминланган, хўжалик юритиш учун қулай ер юқори баҳоланади. Ва аксинча.

Натижада ҳосилдор ерларни сотиб олувчилар ер бирлиги учун кўпроқ маблағ сарфлашлари, агарда бир хил ҳажмдаги маблағга эга бўлган тақдирда камроқ ҳажмдаги унумли ерни сотиб олиш имкониятига эга бўладилар. Бундай усул биринчи қарашда ер масаласини оддий ва адолатли ҳал қиладигандай кўринади. Аммо чуқурроқ ёндашилганда, биз юқорида таъкидлаганимиздек, бу йўл ернинг ундан ҳақиқий фойдаланувчиларга эмас, балки катта маблағга эга бўлган, ер билан шуғулланишдан узоқ кишилар тасарруфига ўтиб қолишига сабаб бўлади. Ернинг товарга айланиши аҳолининг ҳаётий таянчларини синдиради, энг ёмони — деҳқонни эртанги кунга ишончдан маҳрум қилади.

Республикамиз Президенти И. Каримовнинг бу масаладаги фикри қатъий. Президентимизнинг яқинда нашрдан чиққан «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида республиканинг бутун аграр сиёсати йўналишлари аниқ белгилаб берилган. Унда таъкидланишича, «ҳозирги босқичда ерга давлат эгалигини сақлаб қолиш, уни талонторож қилишга йўл қўймаслик керак».

Очиғини айтганда, ер муаммосини ҳал қилишнинг ҳар бир усулида ижобий ва салбий томонлар бўлиб, нисбатан ижобий жиҳатлари кўпроқ бўлган усулни қўллаш ердан фойдаланувчи деҳқон, қолаверса жамият учун ҳам афзалдир. Шу ўринда айтиш ўринлики, Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги қонунига кўра ердан фойдаланганлиги учун солиқ тўлаш жорий этилган. Бу солиқ деҳқонларнинг ердан фойдаланишдаги жавобгарлигини, давлат олдидаги иқтисодий масъулиятини таъминлаши аниқ.

Фикримизча, ер муносабатларининг мураккаблигини, ердан фойдаланувчиларнинг кўплиги ва турли-туманлигини ҳисобга олиб, «Ер солиғи тўғрисида» махсус қонун қабул қилиш лозим. Ана шунда ердан фойдаланиш масаласи анча муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин.

Ер муносабатларини ҳал қилиш — ўта мураккаб масала. Бу муаммо узоқ муддат давомида деҳқоннинг ерга эгалик қилишдан маҳрум қилинганлиги, умуман деҳқон учун иқтисодий ҳамда ҳуқуқий эркинлик бўлмаганлиги туфайли улардаги тадбиркорлик қислатлари сўниб кетганлиги сабабли янада чуқурлашади. Бинобарин, ер муаммосини ҳал қилиш масаласида шошма-шошарлик ярамайди.

Собиқ Иттифоқ даврида хатоларни такрорламаслик учун ер муносабатларини ҳал қилишнинг бирон бир усулини илоҳийлаштиришга, уни зудлик билан ҳамма ерда маъмурий йўл билан жорий қилишга ҳаракат қилиб бўлмайди. Ерга эгалик деҳқон (фермер) хўжалиги, ижара корхонаси шаклидами, турли ширкатлар ва улар уюшмаси шаклидами, ҳаттоки, ҳозирги жамоа ёки давлат хўжалиги шаклида бўладими, бунда деҳқонлар қишлоқ аҳолиси истак ва манфаатларига жавоб беришига қараб, ўзлари танлаб олишлари керак. Акс ҳолда қош қўяман, деб кўз чиқариш мумкин.

Республика раҳбарияти бу масалада аниқ, изчил сиёсат олиб бормоқда. Бизда ер масаласининг ўта мураккаблигини, аҳолининг иқтисодий-ижтимоий хусусиятларини ва ҳозирги иқтисодий тангликни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ иқтисодий ислоҳотини ривожлантириш йўлида ҳайрли тадбирлар амалга ошириляпти.

Масалан, кейинги йилларда 2,5 миллион оила биринчи марта томорқа олди ва уни кенгайтирди. Берилган ерларнинг умумий майдони эса 550 минг гектардан ошиб кетди. Томорқа майдонларининг ўртача ҳажми 20 сўтиҳдан ошди. Энг муҳими, қишлоқда эндиликда ҳар бир деҳқон учун ўз меҳнати самараларидан мустақил баҳраманд бўлиш имкониятлари яратиляпти.

Маълумки, ер масаласини ҳал қилишнинг барча шаклларида пировард натижа — ишлаб чиқарувчиларга иқтисодий эркинлик беришни таъминлашдир. Аммо ишлаб чиқаришни эркин юритиш имкониятига эга бўлиш билан иш битмайди. Ишлаб чиқариш жуда мураккаб жараён бўлиб, унда самарали фаолият кўрсатиш учун аниқ йўлга қўйилган хизмат соҳалари ҳам бўлиши керак. Ҳозирга қадар бу хизмат соҳалари давлатнинг айрим бўлинмалари зиммасида эди. Хўжаликларнинг сув ва моддий-техника таъминоти, механизацияси ва транспорт хизмати, электр, газ, телефон-телеграф, почта, ҳатто молия-кредит хизматлари ҳам марказлашган тарзда олиб борилади. Шунинг учун давлат ва жамоа хўжаликлари бу ишларни мустақил ташкил қилиш малакасига ҳали эга эмаслар.

Айрим кишилар талаб этаётганидек зудлик билан давлат ва жамоат хўжаликларини тугатиб, ерларни тақсимлаб бериб, улар негизида деҳқон ҳамда оилавий хўжаликларни вужудга келтириш—ўта мушкул иш. Қишлоқда ерни ва мулкни бўлиб бериш билан иш битмайди. Энг аввало, юксак даражада ташкил этилган ва ўзаро боғланган хизмат соҳалари ҳамда алоқа тизими ўрнатилиши керак. Бу вазифани бир йилда ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун маълум муддат талаб этилади.

Хўш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни муваффақиятли амалга ошириш учун, энг аввало, қайси омилларга эътиборни қаратиш лозим?

Биринчидан, қишлоқ хўжалигининг кўп соҳали, турли мулк шаклларига асосланган хилма-хил корхоналарга айланишини сунъий тезлаштирмаслик, бир шаклни (деҳқон хўжалиги) илоҳийлаштириб, зудлик билан ҳамма ерда кенг ташкил этишни тарғиб қилиб, бошқа шаклларни унутмаслик керак.

Иккинчидан, ерларни аҳолига якка тартибда тақсимлаб беришни таъминловчи адолатли восита топилгунга қадар бу ишни зудлик билан ёппасига ҳамма ерда амалга ошириш бусиз ҳам жуда танг ижтимоий вазиятни кучайтириши ва айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Учинчидан, ер майдонлари бир хил хусусиятга эга бўлган, турли ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда ташкилий бўлинмалари бир-бири билан узвий боғланмаган. Шунчаки хизмат соҳаларини ташкил қилиш мақсадида уюшган йирик давлат ва жамоат хўжаликларини қайта қуриш ва ҳозирги замон талабига жавоб берувчи муносабатларга ўтказиш анча енгилроқдир.

Тўртинчидан, ер таркиби бир хил бўлган ёки ерларида унчалик катта тафовутлар бўлмаган хўжаликларда ерларни деҳқонларга, уларнинг оилаларига ажратиб бериш ва ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланишда жавобгарликни таъминлаш қишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширишга катта ёрдам бериши мумкин. Республикамизнинг анчагина ҳудудларида бундай хусусиятлар мавжуд. Масалан, яйловлардан фойдаланувчи, лалми ерларда деҳқончилик қилувчи ва чорва билан шуғулланувчи, мукаммал ирригация ва мелиорация тизимига эга бўлган, ер ҳудуди яхлит ўзлаштирилган экинзорлардан иборат хўжаликларда ер-хўжалик ислоҳотини тезлик билан ўтказса айни муддао бўлади.

Энди аҳолиси анча зич, катта меҳнат ресурслари, хилма-хил ерларга эга бўлган, маҳсулот етиштиришда узвий тизимга асосланган хўжаликлар ер муаммосини ҳал қилиш масаласига келсак, бундай хўжаликларни ташкилий-иқтисодий жиҳатдан қайта қуриш жуда мураккаб жараёнлигини унутмаслик керак. Мазкур шароитда улар учун зарур иқтисодий-ижтимоий замин яратилсагина янги муносабатлар жорий қилингани маъқул.

Шунинг учун, фикримизча, бу тоифадаги қишлоқ хўжалик тизимларида маълум муддат (5—10 йил) давомида ижара ва ижара пудрати муносабатларини кенг қўллаган маъқул. Очиғини айтганда, бизда илгариги йилларда узоқ вақт марказлашган маъмурий бошқарув тизимининг амал қилиши натижасида мустақил, эркин ишлаш ва фикр билдириш имкони бўлмади. Шу боис, кўпчилик қишлоқ аҳолиси акционерлик жамияти ва корхона, хусусий тадбиркорлик каби янгича муносабатлар моҳиятини ҳозирча тушуниб етмаслиги мумкин. Ижара муносабатлари, ижара пудрати эса деҳқонлар учун анча тушунарли бўлиб қолган. Бинобарин, ижара қишлоқ хўжалигимиз учун, айрим олимлар таъкидлаганидек, ўтган замон бўлмасдан, балки шу бугунги кунимиз муносабати, қишлоқ хўжалиги тараққиётининг айни ҳозирги пайтдаги зарур босқичидир.

Қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналарини ижара корхоналарига, ички тизимга кўра унчалик боғланмаган ишлаб чиқариш бўлинмалари (бўлимлар, фермерлар, бригадалар, участкалар), хизмат бўлинмаларини (автопарк, машинатрактор парки ва ремонт устахонаси, мелиорация ва ҳоказолар) мустақил ширкатларга, яъни тўла хўжалик ҳисобида иш юритувчиларга айлантириш, улар ичида ижара пудратини жорий қилиш қишлоқда ишловчиларнинг ўз меҳнатлари натижасидан манфаатдорлигини таъминлайди ва уларда тадбиркорлик ҳислатларини шакллантиради. Айни шу тадбирлар деҳқонларимизни мустақил хўжалик юритишга, тадбиркорлик билан ҳаракат қилишга, уларга ўз истаклари ва манфаатларига тўлароқ жавоб берадиган ишлаб чиқариш шакларини танлаб олишга, муҳими, улар ўртасида соғлом рақобат ўрнатилишига ёрдам беради. Яхши маънодаги рақобат эса, ҳориж тажрибасидан маълумки, тараққиётга чорлайди.

С. ҒУЛОМОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори, ЎзФАнинг мухбир-аъзоси, профессор.

Қ. ҲАМДАМОВ,
университет «Агробизнес» кафедраси мудири, профессор.

• МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЕТТИ ОИЛА ТАРБИЯЧИ

Республикамизда маҳалла жамғармасининг ташкил этилиши бизни ҳам беҳад қувонтирди. Президентимиз маҳаллаларга кўпроқ эътибор қилиб, қадриятларимизни тиклаш, анъаналаримизни давом эттириш, маҳаллалар халқнинг маънан шаклланадиган маскани эканини яна бир бор намоён этдилар. Биз кексалар бундай савобли иш учун юртбошимизни дуо қилмоқдамиз.

Халқимизда бир болага етти оила тарбиячи, деган нақл бор. Бунинг маъноси, халқимиз ўз фарзандини отанг боласи бўлма, одам боласи бўл, қабилида тарбия этишидир. Куни кеча қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам таълим-тарбия, катталарга ҳурмат, кичикка шафқат ҳамда инсоний қадр-қиммат ҳақидаги масалалар ҳуқуқий асослаб берилганлигидан беҳад мамнун бўлиб турибмиз.

Мен мазкур Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида қарийб 18 та таклиф ва мулоҳазаларимни тавсия қилгандим. Менинг фикрларим Конституцияда ўз ифодасини топганидан бағоят хурсандман. Биз кексалар бундан буён ҳуқуқий Давлат фуқароси сифатида ҳаёт тажрибамиздан келиб чиқиб, болаларимизни меҳнатсевар, ватанпарвар бўлиб камол топишларига, биз истиқомат қилиб турган Тошкентдаги «Чўпонота» маҳалласида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишга, мустақил республиканинг фуқароси деган номга муносиб бўлишга ҳаракат қилаверамиз.

Қобил ОДИЛОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбекистон Республикаси маҳалла қўмиталари тўғрисидаги Низомга ўзимнинг айрим таклиф ва мулоҳазаларимни билдирмоқчиман:

Маҳалла қўмиталарининг раиси лавозимига олий маълумотли, байналмилал руҳда тарбияланган, сиёсат ва иқтисодни яхши тушунадиган кишиларни тавсия этиш йўлга қўйилса. Бундай раисликка номзод маҳалла қўмитасидан ташқарида бошқа ишлар билан шуғулланмагани маъқул. Бу талаб котибларга ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1961 йил 30 августида қабул қилинган маҳалла қўмиталари ҳақидаги Низомнинг иккинчи бўлими, 11-бандидаги фикрлар янги лойиҳага ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Маҳалла қўмиталари ҳар уч ойда ўз фаолиятлари тўғрисида жамоа мажлисида ҳисобот бериб туришлари йўлга қўйилса яхши бўларди. Бу ҳақда район ҳокимига ёзма ахборот тавсия этилгани маъқул. Маҳалла қўмиталарининг иши ярим йилда бир марта район ҳокимлиги қошида тузилган махсус комитет томонидан тафтиш қилиб турилса ёмон бўлмасди.

Маҳалла қўмиталарининг раис ва котиблари эгаллаб турган вазифаларига нолойиқ деб топилган тақдирда маҳалла аҳлининг 50 фоиздан кўпроғи овоз бергандагина уни ишдан четлаштириш амалга оширилишини истаймиз.

Ҳазратқул АШИРАЛИЕВ,
кекса ҳуқуқшунос.

• *Муштарийлар диққатига!*

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар маҳаллалар ҳаётини ёритишга мўлжалланган янги рўзномани чиқаришга қарор қилганлиги сизларга маълум.

Туғилажак янги газетанинг ўзига хос номини қўйишда иштирок этиб, мактублар ёзиб юборасиз, деган умиддамиз.

Манзилимизни яна бир бор такрорлаймиз:

• РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ПРОЛЕТАР КЎЧАСИ, 6-УЙ.
ТЕЛЕФОН: 32-01-69.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ТАҲРИРИЯТИ:
ТОШКЕНТ ШАҲАР, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.
ТЕЛЕФОН: 33-79-14,33-72-83.

• *Ажаб савдолар*

«ХХП» нима-ю, «КХП» нима?

Она тилидан бўлак тилларни эгаллаш, шубҳасиз оқиллик белгиси, маърифат нишонаси, Зарурат туғилганда хорижий тилда иш юритишга қодир одамга қойил қолиш керак.

Бироқ, зарурат бўлсабўлмаса, тилини чеккага суриб қўйиб, ўзга тилда муомала қилишга уннаган ва бу ишни эплай билмаган кишини денгиз сайлига маёқсиз чиққан сайёҳга ўхшатиш мумкин.

Шўрчидаги дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғининг қабулхонасида «Истара» давлат хўжалигининг омборчиси Абдураззоқ Эргашевни учратиб қолдим. Бир жойда ўтиролмайди. Безовта. Ҳали мажлис қилаётган бошлиқ хонасининг эшиги тирқишидан ичкарига мўралайди, ҳали ёзув машинасига тортинади, соатига қарайди.

Мажлис чўзилди. Абдураззоқнинг бардоши тугади шекилли, дардини ёрди:

— Ана энди, бугун, омухта ем ололмайдиган бўлдим, ака. Тўрт трактор, бир юк машинаси билан саксон чақирим йўл юриб келувдим. Тележкаларни шақирлатиб қуруқ қайтсак, 10 минг сўмлик ёнилги беҳудага йитади-кетади...

— Нима, корхонада ем йўқмикан? — деб сўрайман ундан.

— Ем бор, ем кўп, — дейди у хуноби ошиб, — фақат мен хўжалигимиздан олиб келган иншоч қоғози нотўғри тўлғазилган эмиш. Бош ҳисобчимиз Абрамат ака «ХХП» деб ёзипти. Унинг устидан мен «КХП» деб тузатибман. Энди тайёр маҳсулотни истеъмолчига чиқарувчи бўлим бошлиғи Рустамжон, қаерга арз қилсанг ҳам бу «доверенность» билан ем бермайман, деяпти.

— ХХП дегани нимаю КХП дегани нима? — сўрайман омборчидан.

Бу саволимга Абдураззоқ елка қисди. Кейин тахминлаб деди:

— Шўрчининг ун комбинатини биз гоҳида ХХП, гоҳида КХП деб атаймиз. Тилимиз шунга ўрганиб қолган...

Мен ундан ўша хато ёзилган иншоч қоғозини сўраб олдим. Тепасида «Утверждена приказом ЦСУ СССР» деб қўйилган, катталиги мушукнинг қулоғича келадиган қоғоз рус тилида босилган. Қоғозда бош ҳисобчининг хатосидан бўлак хатолар ҳам оз эмас. «Доверенность» деган сўз бир жойда «довенность» деб битилган. АГДСБ деган русча қисқартма отнинг маъносини-ку шарҳлаб тушунтириб берадиган одам яқин ўртада топилмади.

— Корхонанинг директорига ҳозир иккаламиз кирамиз. Вазиятни айтамиз. Сиз қуруқ қайтмайсиз, — дейман Абдураззоққа.

— Директорнинг айтганини қилармикан? Қилмайдиёв, — деди омборчи бўшашиб.

Ҳар ҳолда, иш биз кутгандай бўлди. Абдураззоқ, оғзи қулоғида, қуюқ хайрлашиб хонадан чиқди. Чиқаётиб бугун ўзи ем олаётган идоранинг ўзбекча ва русча номланишини ўрганиб олишини, буни бош ҳисобчига ҳам айтишини ваъда қилди.

Мен эса «Республика дон маҳсулотлари концернининг жойлардаги корхоналарига давлат тили ҳақидаги қонун етиб келишига яна неча йил даркор бўларкин?» деб ўйланиб қолдим. Ун ва нон маҳсулотлари атрофида халқимиз қачонгача «ХХП» — «КХП» — «АГДСБ» каби тиш ўтмас тўсиқларга ўралашиб, чалишиб юради?

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОР ТОВОҒИМ—КЕЛ ТОВОҒИМ

• Кейинги икки йил ичида Қизилтепа райони хўжаликларида 2 мингга яқин хонадонда табиий газ ёнди.

Бунга мисол қилиб «Бўстон», «Зарафшон» давлат хўжаликлари ҳамда «Ўзбекистон», «Меҳнат-роҳат», «Зармитан» жамоа хўжаликлари қишлоқлари ва хонадонларини кўрсатиш мумкин. Шу йилнинг ўзида Қосим Қобилов номли хўжаликда юзга яқин хонадонда зангори олов порлади. Бундай хайрли ишга хўжаликда ташкил этилган «Обод» кичик корхонаси ишчилари бошқош бўлди.

— Газ қувурлари етарли бўлса нафақат Қизилтепа районини, балки Навбаҳор ва Навоий районларини ҳам биз тўла газлаштирамиз, — дейди Навоий вилояти газлаштириш бошқармаси бошлиғи Н. Холов. — Ҳозир бизни ташвишлантираётган нарса газ қувурлари тақчиллигидир. Россия шаҳарлари билан мол айирбошлаш воситасида алоқа боғлаяпмиз. Уларга биз сабзавот маҳсулотлари жўнатамиз, улар эса бизга газ қувурлари. Хуллас: «Бор товоғим — кел товоғим», деб шунга айтсалар керак-да!

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси миллий олимпиада қўмитаси ижроқўмининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари республика миллий олимпиада қўмитасининг 1992 ва 1993 йилларга мўлжалланган ишлари, қўмитанинг доимий комиссияларини тузиш, ижроқўм бюросини ташкил этиш ҳамда миллий олимпиада қўмитасининг рамзи ҳақидаги масалалар юзасидан мулоҳаза юритдилар. Шунингдек, республика олимпиада қўмитасининг 1994 йили Лиллихамер шаҳрида ўтказиладиган қишки, 1996 йили Антантида бўладиган ёзги олимпиада ўйинлари ташкилий қўмиталари билан алоқа боғлаши ҳамда Тошкентнинг 2000 йилги олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогарлиги ҳақидаги ниятлар билдирилди.

САФАР УЧРАШУВИ

• ШВЕЙЦАРИЯДАН хушхабар келди. Ўзбекистон Республикаси футбол уюшмаси ФИФАга муваққат аъзоликка қабул қилингани маълум бўлди.

Энди республикамиз футбол жамоалари, хусусан терма ҳамда олимпиада жамоаларини халқаро мусобақаларда иштирок этишларига имконият яратилди. «Пахтакор» футболчилари асосида ташкил топган республика терма жамоаси эса Малайзия сафаридан қайтди. Мустақил Ўзбекистон футболчилари сафарда иккита учрашув ўтказдилар. Малайзия олимпиада терма жамоаси билан учрашувда футболчиларимиз 5:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Мамлакат терма жамоаси билан учрашув эса 1:1 ҳисобида тугади.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

• ТОШКЕНТЛИК фигурали учиш усталари Алика Стернгиаду билан Юрис Разгулаевлар яна совриндор бўлишди.

Улар Сеул шаҳрида «Осиё» кубогини қўлга киритгач, Норвегияга йўл олишган эди. Бу ерда ўтказилган халқаро мусобақада улар кумуш медаль совриндори бўлишди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД ЎЛСИНИ

Республика «Спорт моллари» акционерлик жамияти Сирдарё вилояти «Спорт моллари» савдо бирлашмаси директори Р. Х. Хўжақуловга акаси Зуҳайдар ЖУЛИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 14. XII

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.30 Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти театрининг яккахони Асадулла Холиқов куйлайди.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Дала юмушлари.
19.50 «Унвон муборак». Адабий-мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Мерос». Ҳайратий.
21.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.25 «Ёлғиз ўзи қуролсиз борди». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 Дала ҳовли эгалари учун.
20.45 «Зиёкор».
21.15 «Билиб қўйган яхши».
21.30 Ёш эстрада хонандаларининг Ботир Зокиров номли республика танлови.
22.40 «Лаҳза». Хабарлар.
22.50 Ёш эстрада хонандаларининг Ботир Зокиров номли республика танлови (давоми).

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Тинглаб, томоша қилинг».
9.40 «Нима! Қаерда! Қачон!».
10.45 «Аншлаг. Аншлаг». Владимир Винокур.
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Пи» белгиси билан».
13.00 «Янги авлод танлайди».
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Финал. Германиядан кўрсатилади.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Технодром».
18.30 «Иқболи кулганда».
19.10 Футбол шарҳи.
19.40 Ю. Панич. «Уйга олиб борадиган йўл». «Нима эксанг...».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 11-серия.

«Янги студия» таништиради:

22.10 «Бомонд».
22.25 «Бироқ».
22.35 «Федерико каталоги».
22.55 «Вазият».
23.25 «Джем-сейшн». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Александр Янов «Нота бене» студиясида.
9.35 «Бола тилидан...».
10.15 «Сахалин жумбоғи».
10.50 «Сатирикон» студияси «Кулишга топган вақтингизни қаранг».
11.40 Кундузги сеанс. «Ха-бисси». Бадиий фильм.
13.00 «Репортёр».
13.15 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.20 «Деҳқонларга таллуқли масала».
* * *
15.25 «Телебиржа».
15.55 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак?». Телефильм (Австрия).
16.40 Янгиликлар.
16.55 Трансросэфир. «Овропа—Осиё».
17.40 «Жаноблар-ўртоқлар».
17.55 Эълонлар.
*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Душанба куни детектив. «Штемп». Бадиий фильм.
23.50 «Уйга олиб борадиган узундан-узоқ йўл». Ҳужжатли фильм.

Сешанба, 15. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Мусиқий жилолар». Фильм-концерт.
7.55 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 «Тошларда акс этган дунё». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электродинамиканинг асосий қонунлари ва улардан фойдаланиш.
11.00 Шоирлар — болаларга.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Натурал сонларни кўпайтириш ва бўлиш.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хўтикча», «Кийикча». Мультфильмлар.
18.25 «Спортлото».
18.30 «Чорвадор».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Сиҳат-саломатлик».
19.55 Мусиқий спектакллардан парчалар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистонининг Олий қонуни.
21.30 «Учрашув». Саньаткорлар меҳнаткашлар ҳузурида.
22.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.00 «Тонг олдида». Бадиий фильм. 1-серия.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Суҳбатга чорлаймиз».
19.20 Камер оркестрининг концерти.
20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.10 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Довженко номли киностудия). 1-серия.
10.10 Футбол шарҳи.
10.40 «Янги номлар».
11.30 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал. 11-серия.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Игорь Саввович». Уч серияли телевизион бадиий фильм (Довженко номли киностудия). 1-серия.
13.25 «Қурбақа-малика». Мультфильм.
13.55 «Бегона». Телевизион бадиий фильм (Рига киностудияси).
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармон кишилар хабарномаси.
15.40 «Ён дафтар».
15.45 Р. Шчедрин. «Кучук етаклаган хоним» балетидан куйлар.
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Янги номлар».
17.50 «Ойдаралик дарвеш». Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Ҳудуд». Ямал-ненец территориал округи ҳақида 2-кўрсатув.
19.00 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм, премьераси. 1-серия (Австралия).
19.50 «Миниатюра».
20.00 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. «Армавир». Бадиий фильм.
23.40 «Мусиқий мозайка».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Ҳарбий ревю».
01.10 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Қор — қисматим». (Норильск. Йиллар. Одамлар). Кўп серияли телефильм. 2-серия.
9.45 «Вариацияли мавзу».
11.15 Кундузги сеанс. «Кукарача». Бадиий фильм.
12.45 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.50 «Деҳқонларга таллуқли масала».
13.10 «Штемп». Бадиий фильм.
* * *
15.55 «Телебиржа».
16.25 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир». «Хусусийлаштириш панорамаси».
17.55 Эълонлар.
*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Асил ҳолича».
23.25 Сиёсат майдонида.
00.20 «Арт-обстрел».

Чоршанба, 16. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Лагич». Телефильм.
7.50 «Мимино». Бадиий фильм.
9.20 Турк тили.
9.50 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Алгоритм ва унинг хоссалари.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бизнинг уй». Мультфильм.
18.15 «Футбол майдонларида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ҳукумат тадбирлари.
19.55 Лирик концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Қутлов». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Тонг олдида». Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 Уй-жойларни хусусийлаштириш ҳақида.
20.40 «Билим сарчашмалари».
21.10 «Суперспорт».
21.55 «Ҳамдўстлик саҳифалари». «Насриддин Бухорода» фильмининг 50 йиллигига.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 19.00, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.10 «Бизнинг мусиқий клуб».
10.50 «Алпомиш-ботир». Мультфильм.
11.10 «Отрар сази» фольклор-этнографик оркестрининг концерти.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Игорь Саввович». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.30 «Игорь юриши ҳақида қисса». Мультфильм.
13.55 «Қадрдон даштлар». Телевизион бадиий фильм («Қозоқфильм»).
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Энши балапан» — куйловчи жўжа». Қозоғистондан болалар учун кўрсатув.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 Қозоғистоннинг Давлат байрами —Республика кунига. «Бугунги Қозоғистон». Телеочерк.
18.40 Қозоғистон Республикасининг Президенти Н. А. Назарбоев сўзи.
19.05 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
19.55 Қозоғистон санъат усталарининг концерти.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Дахлдорлик». Бадиий фильм («Қозоқфильм»).
22.40 Телевизион танишув. Урмас Отт Михаил Горбачев билан суҳбатлашади.
23.40 Қадимий рус романсларини А. Эйзен куйлайди.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
01.10 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Сиёсат майдонида.
9.50 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
10.20 «Альбуцид». Ахборот-аналитик кўрсатув.
11.10 «Германия — университетлар макони».
11.40 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 112-серия.
12.30 Трансросэфир. «Туманган».
13.15 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.20 «Деҳқонларга таллуқли масала».
13.40 «Арт-обстрел».
* * *
15.50 «Бизнес: янги номлар».
16.05 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.25 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
16.40 Янгиликлар.
16.55 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.40 Парламент хабарномаси.
17.55 Эълонлар.
*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Фитиль-видео». «Қирол».
22.55 Спорт кўрсатуви.
23.00 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
23.15 Криминал хабарлар экрани.
23.25 Д. Россини «Новая опера» саҳнасида.
23.45 «Осойишталик № 9».

Пайшанба, 17. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Шермат Файзуллаев куйлайди». Фильм-концерт.
8.00 «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.
9.20 Араб тили.
9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истеъдодларни изваймиз».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 «Аниъана ва замон».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.30 «Оқибатли бўлайлик».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
19.40 «Кумуш яримой». I Ашгабат халқаро кинофестивали.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Ёш аёл учун эркак». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Ун йилдан сўнг...».
19.50 Мусиқали танаффус.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Кидди-Видди».
9.35 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.25 «Театр учрашувлари».
11.05 «Айболит ва Бармалей». Мультфильм.
11.20 «Агидель-92». Уфада эстрада қўшиқлари энг яхши ижрочиларининг Бутунроссия танлови.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Игорь Саввович». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.30 «Аргонавтлар». Мультфильм.
13.50 «Номсиз юлдуз». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (Свердловск киностудияси).
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.45 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ёлловчи». Бадиий фильм («Ментор синема» киностудияси).
19.55 «Соло».
20.25 Хоккей. «Известия» газетасининг соврини учун халқаро турнир. Россия-1 — ЧСФР терма командалари. МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Биринчи танаффус (21.05) —Хайрли тун, кичкинтойлар! Иккинчи танаффус (22.00) —Янгиликлар.
23.00 «Ибодатхонага олиб борадиган сўқмоқ». Телефильм.
23.35 «Исмларингиз нималарни англатади!». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.40 «Империя». Кўп серияли телевизионн бадиий фильм. 3-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Асил ҳолича».
9.45 Мульти-пульти.
9.55 «Осойишталик № 9».
10.55 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 113-серия.
11.45 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
12.15 «Параллеллар».
12.30 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.35 «Деҳқонларга таллуқли масала».
12.55 Д. Россини Евгений Колобовнинг янги операсида.
13.15 «Фитиль-видео». «Қирол».
* * *
16.05 «Терминал».
16.35 «Рост» студияси. «Жониворлар театри». 1-қисм.
17.05 Янгиликлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Кипрас Мажейка, НАТОдан репортажлар.
17.55 Эълонлар.
*
18.00—21.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.00 «Осойишта уй».
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
23.00 «Осойишта уй» (давоми).
24.00 Балет-видео. Ш. Калош. «Макбет». Н. Боярчиков саҳналаштирган.

Жума, 18. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Медео рицарлари», «Қорли чўққилар», «Бефарқ бўлолмайман». Телефильмлар.
8.15 «Ёлғиз ўзи қуролсиз борди». Бадиий фильм.
9.30 Инглиз тили.
10.00 «Бола бошидан...».
10.40 «Саноатимиз одимлари».
11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтой» устахонаси.
18.35 «Ҳамкорлик ришталари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Фермерлар». Телефильм.
19.40 «Фанга бағишланган умр». Академик Жўра Саидов. Видеофильм премьераси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Дехқон ва замин».
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Хотира». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Уч қурбақа». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Жер тагдыры эл тагдыры».
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Миллионду кантип табуу керек!».
19.40 «Орт — тилсиз жоо».
20.10 «Кечки кеп».
21.00 «Ала-Тоо».
21.20 «Аюб-тоонун абалы».
21.35 «Фитна». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.50 «Пётр Богомазов. Старт ва финиш оралиғида». Ростов-Дондан кўрсатилади.
11.30 «Америка М. Таратута билан».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Ай лав ю, Петрович». Телевизион бадиий фильм (Одесса киностудияси).
13.55 «Номсиз юлдуз». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
16.35 «Марказ».
17.05 «Марҳабо, рус қиши!». «Останкино» телерадиокомпанияси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
17.45 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Ватан овози». Немис маданияти фестивали маршрутлари бўйлаб.
18.50 «Инсон ва қонун».
19.15 «Америка М. Таратута билан».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да «Найзали фариштлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Линда» телесериалидан (Венгрия телевидениеси).
22.30 «Миниатюра».

«ВИД» таништиради:

22.45 «Сиёсий бюро».
23.20 «Музобоз».
00.35 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
00.50 «Хит-конвейер». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.50 «Ай лав ю, Петрович». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Осойишта уй».
10.50 «Параллеллар».
11.05 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари.
12.05 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 114-серия.
12.55 Кипрас Мажейка, НАТОдан репортажлар.
13.25 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.30 «Деҳқонларга таллуқли масала».
* * *
15.40 «Телебиржа».
16.10 «Рост» студияси. «Жониворлар театри». 2-қисм.
16.40 Янгиликлар.
16.55 «Смирновлар оиласи Бундан буён қандай яшаш керак?» Телефильм (Австрия).
17.40 «М-трест».
17.55 Эълонлар.
*
18.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.20 Жума кунлари Уолт Дисней. «Дональднинг машҳурлик касали».
*
20.10—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».
*
23.00—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Шанба, 19. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
*
8.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Коинот гражданлари». Бадиий фильм.
9.10 Спорт кўрсатувлари: 1. «Умид». 2. Регби. Чемпионат якунлари ҳақида.
10.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қуёш барчага баробар».
10.40 «Алифбо сабоқлари».
11.10 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
11.45 «Эл тинчлиги йўлида».
12.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Меннинг маҳаллам».
13.20 «Талабалик йилларим».
13.50 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Қўлни-қўлга берибв».

Тижорат канали:

14.30 «Тараққиёт одимлари».
14.45 «Чўлда камол топганлар».
* * *
18.00 «Дайди тўтининг қайтиши». Мультфильм.
18.15 «Устоз».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Таэквондо. Халқаро турнир. Санкт-Петербургдан кўрсатилади (ёзиб олинган).
19.50 Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов куйлайди.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси қарорлари — ҳаётга!
21.30 «Садоқат». Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева.
22.10 «Эрга тегмангиз, қизлар». Бадиий фильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
7.00—14.00
* * *
18.00—24.00
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

6.40, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.45 Эрталабки гимнастика.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.25 «Олтин сочмалари». Пермдан кўрсатилади.
9.55 Телефильм.
10.25 Экологик кўрсатув.
10.40 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф».
11.30 «Шанба кунги дастхат».
12.00 «Иш».
12.10 «Тиббиёт сиз учун».
12.50 «Олам дам олишда».
13.30 «Сиёсат» студияси иқтисодчи М. Фридман иштирокида АҚШнинг «Танлаш эркинлиги» кўрсатувини таништиради. 5-кўрсатув.
14.15 «Илҳом манбалари».
14.45 «Матбуот-экспресс».
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Дракулито-вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси. 6-серия.
15.45 «Ҳайвонот оламида».
16.35 «АББГД ЛТД» телесериали. 9-серия.
17.05 «Қизил квадрат».
17.45 «Матадор».
18.55 «Қайт, Лумумба». Телевизион бадиий фильм премьераси («Таллиннфильм»).
20.15 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. МАСК — «Самотлор».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Эстрада гардемаринлари». Сочидаги эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг I халқаро фестивали ҳақида.
22.50 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Самотлор» — «Автомобилист».
23.20 Хоккей. «Известия» газетасининг соврини учун халқаро турнир. Канада — Россия терма командалари. 3-давр. МАСК Спорт саройидан кўрсатилади.
24.00 Янгиликлар.
00.40 Охирги киносеанс. «Алла». Бадиий фильм (Россия, Польша, Исроил биргаликдаги маҳсулоти).

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
9.30 «03» программаси.
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 Кундузги сеанс. «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 1-серия.
*
12.20—16.45
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Авлодлар».
2. «Дўстлик тароналари».
3. «Бир пиёла чой устида».
4. «Чисен» (корейс тилида).
5. «Умид» (уйғур тилида).
6. Мактаблардан дараклар.
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.45 «Тилла шпора».
17.15 «Бола тилидан...».
17.45 Мульти-пульти.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 «Маски-шоу».
18.50 Чегарасиз футбол.
*
19.45—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Мутлақо махфий».
*
23.25—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Якшанба, 20. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Сув кетар, тош қолар». Телефильм.
7.30 Ёш хонандалар «Камолот-90» Республика танловининг совриндори Тўлқин Ҳайдаров куйлайди.
*
8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми!». Бадиий фильм.
9.50 «Саломат бўлинг!».
10.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Мушоира». Нодира таваллудининг 200 йиллигига.
11.05 Болалар учун. «Бирга-ликда куйлаймиз».
11.35 «Меҳр».
12.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
12.55 «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильм.
13.20 «Дилраболар келсалар». Мусиқий кўрсатув.
14.00 Тижорат канали. «Оби ҳаёт». Фарғона «Водоканал» трести ҳақида.
* * *
18.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Чимёнда бир кун». Телефильм.
19.30 «Актёрлар ва роллар». Саида Раметова.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Фарғона вилояти.
22.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Разолат». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.00—12.00 Қирғизистон телевиденнесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Бобок, сенинг жомогуни»; «Болалар студиясининг меҳмонхонасида»; «Ҳамма, ҳаммага хайрли кун»; бадиий фильм; мультфильм.
* * *
18.05 Мультфильм.
18.30 Тижорат канали. Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт (рус тилида).
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Олтин куз». Абдрасул Осмоновнинг ижодий кечаси.
20.20 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 9-серия (рус тилида).
21.25 Қирғиз операсининг 50 йиллигига. Балет артистларининг концерти.

● «ОРБИТА IV»

6.20 Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 «Спортлото» тиражи.
7.40 «Момиқ думли шайтонча». Мультфильм.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». Дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Тонг юлдузи».
10.20 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 23-серия.
10.45 «Янги авлод танлайди».
11.35 Киноҳақиқатми! «Қасам». Бадиий фильм (Тбилиси киностудияси, 1946 й.).
«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
14.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
*
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Саёҳатчилар клуби».
16.05 «Ҳунарли хор бўлмас».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 Халқ куйлари.
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар.
19.00 Рукн премьераси: «Оба-На-Угол» томошалари.
19.50 «Анфиса». Москва «Современник» театри фильм-спектаклининг премьераси. Л. Андреева пьесаси.
21.55 Эълонлар.
*
22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Нима! Қаерда! Қачон!».
00.05 Янгиликлар.
00.20 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Самотлор»— «Динамо» (Москва вилояти).
00.50 Кўл жанги бўйича Россия чемпионати.
01.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали Ригадан «Қиёфадош кишилар зиёфати» кўрсатувини таништиради.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Мульти-пульти.
8.30 Ҳужжатли панорама.
9.20 «Калит» кўрсатуви. «1812 йил момақалдироғи». 12-фильм.
9.50 «Сиз яратган боғ».
10.20 «Қироллиндаги саргузашт». Кўғирчоқ мультфильм. 17-серия.
*
10.50—11.50
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Бурч» кўрсатуви.
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
11.50 Кундузги сеанс. «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 2-серия.
*
12.50—15.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Рангиккамон» (тожик тилида).
2. «Интерспорт».
3. Альфия Шанурова рақсга тушади.
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 «Дораэмон». Мультфильм премьераси (Япония). 15-серия.
15.15 «Познер ва Донахью».
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.50 Стас Намин (Эс-Эн-Си) маркази таништиради. Голливуд классик фильмлари фестивали.
20.55 Эълонлар.
21.00 Эс-Эн-Си тунги клуби. Рок-мусиқа юлдузлари иштирокида мусиқий фестивали.
22.00 Хабарлар.
*
22.25—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.45 «Репортёр».
16.00 «Оқ қарға».
16.45 Парламент хабарномаси.
17.00 «Ҳақиқат онлари». Андрей Караулов саволларига А. Тарасов жавоб беради.
*
17.55—18.50

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 11 декабрь сонидан олинди.

«УЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
●
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизм